




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ  
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

# ИЛМ ЙЎЛИДАГИ ИЛК ИЗЛАНИШЛАР

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг  
“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон  
манфаатлари йили”га бағишланган илмий  
конференцияси материаллари  
**I-қисм**



Самарқанд - 2017

МУНДАРИЖА

бет

АГРОНОМИЯ ШУЪБАСИ.....	3
Ҳ.Ҳайдарова, Т.Э.Остонакулов. Аҳоли иссиқхоналарида помидор зара F <sub>1</sub> дурагайдан юкори ҳосил олиш сирлари.....	3
Т.Сайидхонов, С.Ҳамракулов, Н.Ҳоджаева. Қаттиқ бугдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш ва ўғит меъёрларининг таъсири.....	5
Р.Эргашев, Қ.Равшанов. Қаттиқ бугдойнинг истиклол навини ҳосилдорлигига ўғит меъёрларининг таъсири.....	6
Б.Нишонова, Р.Орипов. Деҳқончилкнинг янги тизимида оралик экинларнинг ўрни.....	7
Д.Некбоева, Х.Бекмурадова. Ёпик грунтда етиштириганда бодринг гетерозис дурагайлариининг махсуддорлик кўрсаткичлари.....	9
Д.Халикулов, И.Т.Эргашев, Н.Умиров. Занг касаллигига чидамли қаттиқ бугдойнинг нав намуналарини ўрганиш.....	10
Т.Шокиров, А.Элмуродов, У.Қаршиев. Ётиб қолишга чидамли бугдой нав намуналарини ўрганиш.....	12
Б.С.Қўшматов, И.Т.Эргашев, У.Ш.Қаршиева. Юмшоқ бугдойнинг тезпишарлик хусусиятини ўрганиш.....	13
F.Amanov, D.T.Abdukarimov, U.Qarshiyeva. Jahon kolleksiyasidagi arpa namunalariining xo'jalik uchun ahamiyatli belgilarini o'rganish.....	14
Б.С.Қўшматов, Э.Зиёдуллаев, Н.Ж.Умиров. Сугориладиган майдонларда юмшоқ бугдойнинг шўрга чидамли нав намуналари.....	15
D.Sh.Nurvafoeva, K.Sh.Bozorov. Eroziyaning dehqonchilikka keltiradigan salbiy oqibatlarini.....	17
А.Мухаммадиева, Б.Абдуҳолиқова, У.Қаршиева. Селекция учун калта пояли юмшоқ бугдойнинг ётиб қолишга чидамли нав намуналарини танлаш.....	18
А.Мухаммадиева, У.Қаршиева. Kalta poyali navlarning xosildorlik kursatgichlari.....	20
Д.Эржигитов, У.Қаршиева, Т.Ҳоджакулов. Маҳаллий кузги юмшоқ бугдой навларининг нокулай иқлим шароитларига чидамлилиги.....	22
А.Исмаилова. Влияние минеральных удобрений и нетрадиционных агротехник на продуктивность хлопчатника.....	23
М.Т.Кубаева, А.Л.Санакулов. Ангизда мош етиштиришда молибден (Mo) микроэлементининг ҳосилдорлик ва унинг сифатига таъсири.....	25
М.Тугалова, Ф.Облокулов, И.Т.Эргашев. Картошка янги навларини вирусларга чидамлилигини баҳолаш.....	28
Ф.К.Жўраева, О.М.Назаров. Картошкани паст ҳароратдан химоялаш муаммолари.....	29
Н.Мансурова, Б.М.Эшонкулов, И.Т.Эргашев. Картошка генератив уруғларининг унувчанлигини аниқлаш.....	31
М.Абдуҷабборов, Т.Э.Остонакулов. Булунгур тумани "Ҳолмирзаев Суюнбой маскани" фермер хўжалигида картошканинг пикассо навини эртаги экин сифатида ўстириш технологияси.....	33
Б.Қўлдошев, Л.Н.Халилова. Янги кузги бугдой навларининг ўғитлашга таъсирчанлиги.....	34
А.Мамакулов, А.Элмуродов. Топинамбурнинг эътироф нави туганакларининг кесиб экишнинг кўпайиш коэффициентига таъсири.....	36
А.Элмуродова, О.Назаров, Б.Шониёзов. Интенсив бог шароитида олма дарахтининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига азотли ўғитларнинг таъсири.....	38

И.Ҳужакулов, Б.Шониёзов. Шартли сугориладиган тупроқлар шароитида минерал ва органик ўғитлар фондида криопротекторларнинг ток ўсимлиги ҳосилдорлиги ва совуққа чидамлигига таъсири.....	40
Р.И.Ибодуллаева, М.А.Ибодуллаева, М.А.Джаббарова (ТошДАУ). Анатомическое строение листа лекарственного <i>Senecio</i> (L.) Roxb. в условиях интродукции.....	42
Н.Назарова, Ё.Тошпўлатов. Самарқанд шаҳрини кўкаламзорлаштиришда фойдаланилаётган манзарали дарахт ва буталар.....	45
Г.М.Ибрагимова, М.М.Комилова. Пакана бўйли мева дарахтларини ўстириш технологияси.....	49
З.Болкиев, Ш.М.Жумасев, Р.Орипов. Тирик бўз тупроқлар шароитида гўзанинг «Бухоро-102» нави ҳосилдорлигига маҳаллий калий ўғитининг таъсири.....	51
С.Ҳамидова, О.М.Назаров. Ошқоқ етиштиришда минерал ўғит меъёрларини таъсири ва ўстириш усули.....	53
Ф.З.Имамов, Ф.Ҳ.Ҳошимов. Унаби боғида ресурс тежамкор ўғитлаш тизимининг ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсири.....	55
Д.У.Исмаилов (ТашГАУ Нукусский филиал). Севообороты и плодородие засоленных земель.....	58
M.Kubayeva, I.N.Bobobekov. Tuproqlarning og'ir metallar bilan ifloslanishi.....	60
M.Y.Qazakov, I.F.Mamasaliyev. Intensiv urug' mevali bog'larni parsha (kalmaz) kasalligidan himoyalash tizimi.....	61
Н.Тенглашова, У.Ш.Қаршиева, Х.Келдиёрова. Тезпишар бугдой нав ва намуналарини ўрганиш натижалари.....	62
Ф.И.Тошкентбоева, Ф.С.Ғайбуллаев, А.Х.Ҳамзаев. Бугдойнинг экинбоплик сифатларига агротехник омилларнинг таъсири.....	64
Э.А.Уракова, М.Луков. Эртаги муддатда экилган кунгабокар ҳосилдорлигига кўшимча чанглатишнинг таъсири.....	66
З.Б.Ҳакимова, П.Х.Бобомирзаев. Сугориладиган ерларда экиш муддатларининг қаттиқ ва юмшоқ бугдой навлари уруғларининг дала шароитида унувчанлигига таъсири.....	68
А.Саидова Р.Норкулова, И.Т.Эргашев. Картошка навларини бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилигини баҳолаш.....	69
Б.Турдиев, М.А.Хайитов, М.Машрабов. НКФУ ўғит меъёрининг қарам ҳосилдорлигига корреляцион боғлиқлиги.....	70
З.Бобокулова, Х.А.Келдиёров (СамДУ). Адир минтакаларида кўп йиллик арпа ва жавдарлардан пичанзорлар тайёрлаш имкониятлари.....	72
З.Мунинова, Х.Х.Келдиёрова (СамДУ). Кузги бугдой навларининг қишда даврида сийракланиш даражаси.....	74
Г.С.Аҳадова, О.Р.Умаров, М.А.Хайитов. Мақбул озика режими сифатли ҳосил гарови.....	75
М.Абдурашидова, М.Қ.Луков. Кунгабокар эртапишар дурагайлариининг яратилиши.....	77
Ш.Ражабова, Т.Ортиков. Азотли ўғитларнинг пайриқ туман тирик бўзтупроқлари озик режимига таъсири.....	79
Г.Д.Носирова, В.И.Исмоилов. Жавдар етиштириш давр талаби.....	81
Н.В.Абулкасимова, Т.Э.Остонакулов. Тарвуз тезпишар деҳқон ва фермер навларини такрорий экин сифатида ўстириш имкониятлари.....	82
Н.Р.Аминова, Т.Э.Остонакулов. Бухоро вилояти шўрланган ерларида қовун амири навини ўстириш хусусиятлари.....	86

Пайвандтаг канча заиф бўлса, дарахтларнинг ўғитга талаби шунча ортади. Ҳосилга кирган боғларда қатор ораларини ўғитланган шудгор ҳолида сақланади.

**Хулоса.** Пакана бўйли мевали дарахтлар оддий тез ўсувчи дарахтларга нисбатан ҳосилдорроқ, уларга нисбатан 2,5 – 3 йил олдин ҳосилга кириб агротехник ишлов беришда ҳам қулайлик келтириб, иктисодий самарадорлиги юқори ҳисобланади.

### ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ «БУХОРО-102» НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАХАЛЛИЙ КАЛИЙ ЎҒИТИНИНГ ТАЪСИРИ

**З.Болкиев – магистрант, Ш.М.Жумаев – тадқиқотчи,  
Р.Орипов – илмий раҳбар, профессор**

**Аннотация.** Тадқиқот натижалари асосида Самарқанд вилоятининг пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўза ўстиришда калийли ўғитни (120 кг/га  $K_2O$ ), ҳисобида  $N_{250}P_{175}$  кг/га фониди қўллаш, ғўзанинг «Бухоро-102» навининг ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай озикланиш мўҳитини яратиб, кўрсатиб ўтилган шароитда ғўза навидан мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш имконияти мавжудлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** типик бўз тупроқ, ғўза, нав, ўсиш, ривожланиш, калий ўғити, пахта ҳосили, тола сифати.

**Қириш.** Республикамиз кишлок хўжалигида, айниқса, пахтачиликда қўлланилаётган агротехник тадбирлар мажмуасида минерал ўғитларни қўллаш ва улардан самарали фойдаланиш масаласи жуда муҳим ўринни эгалайди. Ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда қўлланиладиган минерал ўғитлар орасида калийнинг тутган ўрни бекиёсдир. Чунки, тупроқда ўсимликлар учун лаёқатли бўлган алмашинувчан калий етишмовчилиги пахта ҳосили ва тола сифатини ҳамда қўлланилган азотли ва фосфорли ўғитлар самарадорлигини кескин пасайтириб юборади.

Ўзбекистон пахтачилигида калийли ўғитларнинг самарадорлигини аниқлаш борасида ҳозирги пайтгача олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосан Андижон ва Тошкент вилоятларининг типик ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида, яъни маълум бир тупроқ-иклим ҳудудларида ўрганилган ҳолос. Аммо, ушбу масала Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида етарлича тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли, илмий-тадқиқот ишларини Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқлари ерларининг ўсимликка лаёқатли калий билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш, ушбу шароитда қўлланилган калийли ўғитларнинг хар хил меъёрларини ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ва олинган натижалар асосида калийли ўғитларни қўллаш бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар таёрлаш пахтачиликни долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Турли тупроқ-иклим шароитларида пахта ҳосилини оширишга ва унинг толасини сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлар натижалари илмий манбаларда кенг ёритилганлигига қарамадан республикамиз шароитида [Кудрин, 1947; Белоусов, 1964; Протасов, 1971; Маткаримов, 1972; Мадраимов, 1972; Бозоров, 1984; Эргашев, 1984; Турсунова, 1984] ва бошқалар калийли ўғитларни қўллаш бўйича муҳим ишларни амалга оширганлар. Улар томонидан ўсимликда кечадиган физиологик-биокимёвий жараёнларни ўтишида калийнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Бир валентли катион сифатида, калий, плазма коллоидларини физик-кимёвий ҳолатини ўзгартиради, уларнинг гидрофиллигини оширади, плазмаларни сув ушлаб туриш қобилиятини кўтаради, ўсимлик сувни тежаб сарфлайди ва транспирация бирмунча камаяди. Шунингдек калий, хужайра шираси осмотик босимини оширади ва бу, ўз навбатида ўсимликларни совуққа, қурғоқчиликка ва турли касалликларга чидамлилигини оширади.

Демак, кишлок хўжалик экинлари, айниқса, ғўза ҳосилдорлигини оширишда бошқа минерал ўғитлар каби калийли ўғитларнинг муҳим аҳамият касб этишига қарамадан,

кўпчилик фермер хўжаликларида бугунги кунгача калийли ўғитлардан самарали фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмасдан келинмоқда. Шунингдек, калийли ўғитларнинг пахтачиликдаги самарадорлигини аниқлаш бўйича хозирги пайтгача олиб борилган асосий илмий-тадқиқот ишлари типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрганилган, ammo Самарканд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ушбу масалалар етарлича ўрганилмаган.

Бу ҳолатдаги асосий вазифа - калийли ўғитлар қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўзанинг нав талаби ва тупроқнинг алмашинадиган калий билан таъминланганлигидан келиб чиққан ҳолда макбул равишда белгилаш ҳамда калийни, азотли ва фосфорли ўғитлар билан тўғри нисбатларда қўллаш асосида тупроқ унумдорлигини ва пахта ҳосилини ошириб, тола сифатини яхшилашдир.

**Материаллар ва методлар.** Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш мақсадида, бизлар 2015-2016 йилларда Самарканд вилоятининг Пастдарғом тумани «Жасурбек БОЗ Жавохирбек ҳаёти» фермер хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида дала тажрибалари олиб бордик. Тажиба даласининг типик бўз тупроқлари гранулометриқ таркиби бўйича энгил ва грунт сувлари 14-16 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, ушбу тупроқлар алмашинувчан калий билан кам (101-200 мг/кг  $K_2O$  тупроқда) таъминланган гуруҳга киради.

Илмий тадқиқотлар ўтказилган типик бўз тупроқларда ўзанинг «Бухоро-102» нави экилди. Дала тажрибалари 4-такрорликда ўтказилиб, барча вариантлар систематик равишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажибаларимизда: 1) назорат-ўғитсиз; 2)  $N_{250}P_{175}$ -фон; 3-5 вариантларда фон+ $K_2O$  ни 90 дан 150 кг/га гача меъёрлари ўрганилди. Калийли ўғитларни йиллик меъёрини 50 %шудгор остига, қолган қисми эса ўза 2-4 чинбарг чиқарганда ва шонаш даврида азотли ўғитлар биргаликда берилди. Тажиба даласида ўстирилган ўзани парваришладша, фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчалар, пахта ҳосилини йиғиштириб олишда «Методика полевых опытов с хлопчатником» [5], «Дала тажибаларини ўтказиш услублари» [2] услубий қўлланмалар асос қилиб олинди ва пахта ҳосили вариантлар ва такрорлашлар бўйича Б.А.Доспеховнинг [3] статистик-дисперсион таҳлилидан ўтказилди. Тажиба даласида аммиакли селитра (N-34,6%); аммофос (N-10-12%,  $P_2O_5$ -46%) ва маҳаллий калий ўғитлар ( $K_2O$ -58-62%) қўлланилди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Маълумки, ўза ўстириладиган қайси далада калийли ўғит мунтазам равишда қўлланилмаган бўлса, ўша далада азот, фосфор ва калий ўртасидаги ўсимлик учун қулай бўлган нисбат бузилади. Натижада калий элементи қайси кетган тупроқ ўзанинг ушбу озик элементига бўлган талабини тўлиқ таъмин эта олмайди. Шунга кўра, калийли ўғитлар меъёрини белгилашда тупроқдаги алмашинадиган  $K_2O$  микдорини билиш, шу асосда ўзага берилладиган  $K_2O$  микдорини аниқлаш керак бўлади.

Шунинг учун ҳам, биз маҳаллий калий ўғитининг Самарканд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўзанинг «Бухоро-102» навининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги таъсирини ўргандик. Маълумотларни кўрсатишчи, маҳаллий калий ўғитини 90 кг дан 150 кг/га меъёрларини  $N_{250}P_{175}$  кг/га фонида типик бўз тупроқлар шароитида пахта етиштиришда қўллаганда ўзанинг ўсиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Масалан, тажибаимизнинг ўғит ишлатилмаган назорат вариантдаги ўза бош поясининг балинлиги 1 августда 61,5 см га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич фақат  $N_{250}P_{175}$  кг/га (фон) қўлланилганда 68,8 см ни, кўрсатиб ўтилган NP фонида 90 кг/га  $K_2O$  биргаликда ерга солинганда, ўсимликнинг бўйи, назоратдаги ўсимликларниқига қараганда 12,1 см, калийли ўғитлар меъёри 120-150 кг/га  $K_2O$  ҳисобида қўллаганда 16,7-19,9 см юқори бўлишини таъминлади. Буни юқори меъёрларда қўлланилган калийли ўғитлар тупроқдаги алмашинувчан  $K_2O$  захирасини ошириб, ўсимликни азот ва фосфор билан озикланишини сусайтириши билан изохлаш мумкин.

Тажиба даласида қўлланилган маҳаллий калий ўғитининг самарадорлиги нафақат ўзанинг ўсишида, балки унда ҳосил шохлари ва элементларини шаклланишида ҳам намоён бўлди. Масалан, тажибанинг ўғитсиз-назорат пайкалчаларидаги ўзада 1 август куни 6,4

дона ҳосил шохлари ва 1 сентябрда 6,1 дона кўсак ҳисобига олинган бўлса, фақат  $N_{250}P_{175}$  кг/га (фон) қўлланилганда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 8,2 ва 7,8 донани ташкил этди. Кўрсатиб ўтилган NP фонида калийли ўғитларни 90 кг/га  $K_2O$  меъёрида қўллаганда ҳосил шохлари ва кўсақлар сонини, фон (NP) вариантдаги нисбатан 3,1 ва 2,6 донага кўпроқ бўлишини таъминлади. Калийли ўғитлар меъёрини ортиши билан ўзада ҳосил шохлари ва кўсақлар сонини ҳам кўпайиши кузатилди. Бундай ижобий таъсир калийли ўғитлар 120-150 кг/га  $K_2O$  меъёрларигача кузатилди. Бу эса, типик бўз тупроқлар шароитида  $N_{250}P_{175}$  кг/га фонида калийли ўғитларни 120-150 кг/га  $K_2O$  ҳисобида қўллаш, ўзанинг ўсиши, ҳосил шохлари ва элементлари тўпланишида энг қулай шароит яратилганлигини кўрсатади.

Пахта ҳосилини оширишда маҳаллий калийли ўғитларнинг самарадорлигини 2015-2016 йилларда Самарканд вилояти Пастдарғом тумани «Жасурбек БОЗ Жавохирбек ҳаёти» фермер хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида олиб борган тажибаларимиз ҳам тасдиқлади. Ушбу шароитда калий ҳисобига пахта ҳосилининг ошиши, асосан, ўғитнинг ишлатиш меъёрига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Тажиба даласида  $N_{250}P_{175}$  кг/га фонида калий меъёрини 90 кг/га  $K_2O$  қўллаганда, пахта ҳосилини гектар ҳисобига 30,1 центнерга, қўшимча ҳосилни эса 4,6 центнерга оширган бўлса, кўрсатиб ўтилган азот-фосфор фонида калийли ўғитлар меъёрларини 120-150 кг/га  $K_2O$  ҳисобида қўллаганда пахта ҳосили янада ортиб, гектаридан тегишлича 32,7-34,7 центнерни ташкил қилди. Бу ҳолат ерга солинадиган калийли ўғитларнинг самарадорлиги тупроқнинг алмашинадиган  $K_2O$  билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Самарканд вилоятининг алмашинувчан калий билан кам (0-200 мг/кг  $K_2O$  тупроқда) таъминланган типик бўз тупроқлари шароитида маҳаллий (Дехқонобод калий заводи) калий ўғитларини  $N_{250}P_{175}$  кг/га фонида 120-150 кг/га ҳисобида ёки NPK ни 1:0,7:0,5; 1:0,7:0,6 нисбатларда қўллаш ҳисобида гектаридан тегишлича 32,7-34,8 центнер, калий ҳисобига пахта ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлиги тадқиқот натижалари асосида аниқланди.

## ОШҚОВОҚ ЕТИШТИРИШДА МИНЕРАЛ ЎГИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ ВА ЎСТИРИШ УСУЛИ

С.Ҳамидова – талаба, О.М.Назаров – катта ўқитувчи

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов ишлаб чиқарувчилар олдида 2020-йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2015- йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу вазифани бажариш учун қишлоқ хўжалигини янада ислох этиш ва модернизация қилиш, ернинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, экинларни такрорий экишни тўғри ташкил этиш, янги экин турларидан ёки кам эътибордаги экинлардан фойдаланиш зарурлиги айтиб ўтилди. Кузги бугдойдан бўшаган майдонлардан унумли фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 декабрдаги 06-03-13-1-сонли йиғилиш баёни қарорида фермер хўжаликлари билан дон маҳсулотлари қорхоналари ҳар 1 тонна топшириладиган дон ҳисобига 50 килограммдан ошқовоқ сотиш бўйича контрактация шартномалари тузишлари белгилаб қўйилди. Фермер хўжаликлари олдиларига қўйилган ушбу вазифа ҳам уларни ерлардан самарали фойдаланишга чорлайди. Ошқовоқ ўсимлигини бошқа полиз экинларига нисбатан етиштириш шароитлари бирмунча осон бўлиб, ундан юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга ошқовоқ этининг каттиклиги уни транспортбоплиги ва узок муддат сакланувчанлигини таъминлайди. Шу сабабли бу экин меваларини экспорт салоҳияти жуда юқори.

Юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиқиб, биз ушбу илмий ишимизда